

Конституциявий ислоҳотлар ёшлар нигоҳида



Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари Конституциявий қонун лойиҳаси тарғиботини фаол олиб боришмоқда. Тарғибот тадбирларида аҳолининг турли қатламларини қамраб олишга эътибор қаратилиб, тумандаги корхона ва ташкилотларда хизмат қилаётган ходимлар билан ҳам бу каби тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Бугун депутатлар, кенгаш котибияти мудирини Акмал Авлиякулов ва Ёшлар ишлари агентлигини туман бўлиминини раҳбарини Зикрилло Бакижоновлар томонидан тумандаги ёшлар етакчиларига Конституциявий қонун лойиҳасини муҳокамасини, қонун билан Конституцияга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятинини ҳақида тушунтириш берилди ва жойларда ёшлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш, ёшларнинг жамиятда бўлаётган туб ислоҳотлардан хабардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Шунингдек, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасини бўйича ҳам аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориб, аҳолининг ўз маҳалласидаги муаммоларга дахлдорлик ҳиссини ошириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидланди.